

ХАБАР

Юртимиздаги ёшларнинг фаол қатлами, турли соҳаларда катта ютуқларга эришган вакиллари рағбатлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Фаол ёшлар тақдирланди

Ушбу Фармонга кўра "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори асосида берилиши белгиланган бўлиб қўйилган.

Кейинги йилларда сердармад тармоқлардан бири - балиқчиликни ривожлантириш борасида бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди.

Балиқчилик ҳам даромад манбаи

дейди "Бухоробалиқ" ҳиссадорлик жамияти раиси Элмурод Шомуродов

Бухоро вилоятида авваллари мавжуд табиий кўл ва ҳавзалардан бир йилда бор-йўғи 40-50 тонна балиқ овланад экан.

умумий майдони 101310 гектардан иборат табиий кўл ҳамда сув ҳавзалари негизда 17 та ҳамда туманлардаги 436,5 гектарлик кичик сув ҳавзаларида 8 та балиқчилик

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ташкил қилувчи мулк ташкил этиди.




(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан)

орада жамият қошида ташкил этилган инкубатория ниҳоятда кўл келяпти. Жорий йилда корхоналарга шартнома асосида жамият томонидан сунъий усулда кўпайтирилган 1 миллион донадан ортиқ бир ёшли балиқ ётказиб берилди.

Балиқчиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган амалий ишлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Утган мавсумда кўл ва сув ҳавзалардан 80 тоннадан ортиқ балиқ овланган бўлса, жорий йилда 100 тоннадан ортиқ балиқчилик қилаётган корхоналардаги ишлар таҳрига лойиқ.

Албатта, ютуқлар кўламини янада кенгайтириш йўлида тўсиқлар ва ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, - дейди вилоят балиқчилик уюшмаси раиси Хусен Гафуров.

Хамроз АЛИ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



лик жамияти балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналарга аҳоли талабига мос, харидоригир зогора, лаққа, қарп, оқ амур, оқ ва ола чипор дўнг пешона каби ўнга яқин балиқ турларини кўпайтириш ҳамда ётказиб беришни йўлга қўйгани ютуқлар омили бўлапти. Бу

Ҳуқуқ, экология, саломатлик

Тошкент давлат юридик институти ҳамда "Экосан" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган "Ҳуқуқ, экология, саломатлик" мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Табиатни асраб-авайлаш халқимизнинг азалий қадриятларида ўз аксини тошган. Ҳукуматимиз томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам эътирофга молик.

нинг ташлаши ҳажми 2 баробарга кмайган. Сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари бартараф этилаётди.

тадбирлари тўғрисида "Ғи Фармони экологик барқарорлиқни таъминлаш йўлида дадил қадам бўлди.

Анжуман

тижасида ўтган йиллар мобайнида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори 1,95 баробар, ифлосланган оқома сувлар

тақдирлари тўғрисида "Ғи Фармони экологик барқарорлиқни таъминлаш йўлида дадил қадам бўлди.

тадбирлари тўғрисида "Ғи Фармони экологик барқарорлиқни таъминлаш йўлида дадил қадам бўлди.

Дўстлик ришталари

Мустақиллик туфайли ёшларимиз таълим жараёнида хорижда ишлаб чиқарилган технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва чет эллик тенгдошлари билан яқиндан дўстлик алоқалари ўрнатиш имкониятига эга бўлдилар.

Япониялик ёшлар Янгариқда



Жумладан, шу йилнинг ноябрь ойида Япония мамлакатининг Шимане префектураси "Изумо" қишлоқ хўжалиги мактаби директори Акира Сано бошчилигида ўқитувчилар ва ўқувчилардан иборат делегация Янгариқ қишлоқ хўжалиги касб-хўналарнинг



Хар бир инсон малакали табиий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Замонавий мактаб - юксак билим асосидир

Билим олиш шахсининг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланиб, "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари орқали кафолатлаб қўйилган.

бўлган эътиборини оширади, - дейди Саида опа. - Замонавий ўқув кўрсаткичи, жиҳозлар билан жиҳозланган лаборатория хонамизда 55 хил тажрибалар ўтказиш мумкин.

Буғун

Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури тўғрисида"ги қарорига асосан республика бўйича 2888311 ўринга мўлжалланган 8476 та мактабнинг бинолари, муҳандислик-коммуникация инфратизимларини тубдан яхшилаш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган бўлиб, жорий йилда 797861 ўринга мўлжалланган 1608 та таълим объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Таълим истиқболлари

биз олган ўқувчиларнинг кўпчилиги эндиликда ўзи танлаган мутахассисликлари бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япониянинг жаҳонга машҳур ўқув юртыларида ўқишни давом эттирмоқда.

хўналар коллежга ташриф буюргани ҳам фикримизнинг исботидир. Мехмонлар бу ерда ўзларининг лойиҳавий ўқитиш услублари тақдирларини ўтказишди. Япония халқаро ҳамкорлик банки берган имтиёзли кредит ҳисобига Янгариқ касб-хўналар коллежга келтирилган ўқув лаборатория ва технологик жиҳозлардан фойдаланиш жараёни билан танишдилар.

Делегация раҳбари Акира Сано Япония қишлоқ хўжалиги мактабида олиб борилаётган ишлар, уларнинг қандай ташкил қилиниши, ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқиши, бўш вақтларни қандай ўтказишлари тўғрисида гапириб берди.

Мулоқотлар чоғида япон ва ўзбек талабаларининг бир-бирига ҳурмати янада ошди, илм олишга қизиқиши интилишлари муштараклиги, одоб-ахлоқ бобида яқинликлари сезилиб турди, - деди коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Рўзигул Қурбонова.

Мехмонлар Янгариқ қишлоқ хўжалиги касб-хўналар коллежининг "Ташрифлар китоби"га коллеж жамоаси ҳақида ўз дастхатларида илқ фикрлар ёзиб қолдиришди.

Холмурод ҚУРБОНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Хоразм вилояти

YETTI-IQOLIMDAN BIR SHINGIL

Францияни оёққа турғазган портлаш


Парижнинг фахри ва энг хавфсиз манзили ҳисобланмиш Мальзерб хибонида кўпуровчилик содир этилди.



Бир вақтлар ҳозирги президент Никола Саркозига қарши бўлган юридик хизматлар фирмаси жойлашган бинога келган почта бандеролига ўрнатилган бомба портлаб кетган.

Жануб ва Шимолнинг яқинлашуви

Корея Халқ Демократик Республикаси ва Жанубий Корея ҳукумати ҳамкорликда бундан ярим аср аввал бир-бирларидан ажралиб кетган оилаларни учратиш масканини барпо этди.




Шимол ва жануб ўртасида кечган уруш ва ҳарбий демарка чегаралари туфайли юз кўришмас бўлиб кетган корейс оилалари ниҳоят бир-бирлари билан топилмагани бўлишиди. Икки давлат ўртасидаги Кимгансан тоғида барпо этилган бу масканда ўн минглаб корейс оилалари яқинлари тўғрисида маълумот олишлари ва видолашишлари мумкин.

Жанубий ва Шимолий Корея давлатлари ўртасида илиқлик бундан икки ой аввал пайдо бўлди. Икки давлат раҳбарлари ярим асрлик "аразлашув"дан сўнг илк бор учрашиб, ўзаро алоқаларни йўлга қўйишга келишиб олишди.

Кондаги мудҳиш фожиа

Хитойнинг Шаньси провинциясидаги кўмир конида юз берган портлаш қурбонлари сони 104 нафарга етган. 6 ноябрь кuni 119 нафар кончи ишлаётган конда газ чиқиш оқибатида портлаш содир бўлган эди.



Кўтқарувчилар фожадан омон қолган 15 нафар одамни вайронлар остидан олиб чиқишга муваффақ бўлган. Маълумотларга кўра, кон маъмурияти хавфсизлик техникасининг жиддий равишда бузилаётганини билган ҳолда ишни тўхта-тишмаган. Шу сабабдан конга тегишли лицензия олиб қўйилиб, раҳбарлар ҳибсга олинган.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2006 йилда шундай дабблар туфайли 5 мингга яқин кончи ҳаётдан кўз юмган.

Арманистонда хотирлаш кунлари

Бундан 19 йил аввал юз берган кучли zilzila қурбонларини хотирлаш кунлари бўлиб ўтмоқда.



Мамлакат тарихида мудҳиш кўн бўлиб қолган 1988 йилнинг 7 декабри тунда содир бўлган 7 балли ер силқиниши соғинар ичиде Спитак, Ленинан, Кировокан, Степанован шаҳарлари ва 58 та қишлоқни ер билан яқсон этди. Арманистон ҳудудининг 40 фоизини қамраб олган zilzila оқибатлари Хиросимага ташланган атом бомбасиникидан 10 баробар кўпроқ бўлган. Бир туннинг ўзидеък 25 минг нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишлари деярли 20 йилдан буён давом этмоқда.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

ўқувчилар сонига нисбатан 31,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилнинг биринчи ярим йиллик ҳолатига эса 39,4 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг 29 ноябрида Оқсаройда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси хомийлик кенгашининг навбатдаги йилгилишида Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантиришнинг бугунги аҳоли ва истиқболга атрофида тўхтади.

—Мамлакатимиз аҳолисининг яр-



(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан)

муваффақиятларга эришиши учун эса мактабдаги спорт зали, спорт майдонларининг қай даражада шарт-шароитга эгаллигининг ҳам аҳамияти катта. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда давлатимиз таълим муассасаларидаги спорт ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратган.

Яқин-яқингача жисмоний тарбия дари мактаб ҳовлисида ажратилган тупроқчи очик майдонда ўтказиларди. Ҳозир эса энг замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт майдонларига эгамиз. Спорт иншоотлари сони кўпайиши натижасида йилдан йилга умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчилар сони ҳам ўсиб бормоқда.

Раҳамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 715 та спорт мажмуи барпо этилди. Шундан 583 таси қишлоқ жойларда қурилгани эътиборга қойилди. Спорт билан шуғулланувчиларининг сони 2004 йилда умумий

Барно СУЛТОНОВА, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бошланғич сармоя – банк ҳисобидан

коллежни тугатган 27 нафар ёшга тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун "Микрокредитбанк" томонидан 14,3 миллион сўм кредит берилди

Иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. "Микрокредитбанк" ҳам ишбилармон ва тадбиркорларнинг ҳақиқий мададкорига, молиявий суянчигига айланмоқда. Буни унинг Фарғона вилояти филиали мисолида яққол кўриш мумкин.



Жамоа асосий эътиборни банкнинг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш орқали жойларда молиявий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг банкка бўлган ишончини оширишга қаратмоқда. Вилоят филиали ва унинг шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда минибанклар аҳолига хизмат кўрсатиш орқали миқозларнинг молиявий ҳамкорига айланмоқда. Улар банк ривожининг асосий кафолатидир. Бугунги кунда турли мулк шаклидаги 6975 та юридик ва 958 та жисмоний шахс "Микрокредитбанк" Фарғона вилояти филиали миқозидир.

зиналарига келиб тушди.

Нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларни банкка жалб қилиш ўз самарасини бермоқда. 2007 йил 1 август ҳолатига нақд пул тушумига эга бўлган 37 миқозга хизмат кўрсатилган бўлса, 2007 йил 1 ноябрда келиб улар сони 67 тага етказилди.

Вилоят филиали, Риштон бўлими ҳамда минибанклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларига ҳамда аҳолига 9,5 миллиард сўмдан зиёд кредит берилди. Жумладан, қишлоқ хўжалигига 5,6 миллиард, қурилиш ва маиший хизматга 1,2 ва бошқа тармоқларга эса 2,4 миллиард сўмдан ортиқ кредит йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли қарори талаблари асосида 2007 йил

Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунида кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан)

дастлабки олти ойда банк филиали ва кичик шохобчалари орқали 1114 та фермер хўжалиқларига галла ва пахта етиштириш учун 1,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Хизмат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги 3750-сонли Фармони асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги 78-сонли вақтинчалик низомига асосан 2006 йил июль ойи


дан ҳозирги кунга қадар юридик шахс мақомига эга бўлган яқка тартибдаги тадбиркорларга, микрофирма, хусусий фирма, деҳқон-фермер хўжалиқларига бошланғич сармояни шакллантириш ҳамда бизнесни ривожлантириш, айланма маблағни тўлдириш учун 2 миллиард сўм миқдорда микрокредит берилди ҳамда микролизинг хизматлари учун эса 977 миллион сўм ажратилди.

ланган битимга асосан Фарғона вилоятининг ҳар бир ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида битирувчи курс талабалари орасида тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиб, уларни микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишларини таъминлаш мақсадида ҳар бир коллежда семинарлар ўтказилди. 2007 йилнинг иккинчи чорагида 27 нафар битирувчи талабалар учун маиший хизматни ривожлантириш учун 14,3 миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, жорий йил бошида ушбу банк филиали ва Оқсоқоллар кенгаши ҳамда "Маҳалла" жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан битим имзоланган. Бундан кўзланган асосий мақсад, банк томонидан берилмаётган микрокредитлар маҳаллаларда яшаватган тажрибали, янги хизмат турларини ташкил эта оладиган, халқ истеъмол моллари ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қўриб етадиган моҳир тадбиркорларга етиб боришни таъминлашдан ҳам уларга амалий ёрдам беришдан иборат эди. Ҳар бир шаҳар ва туманда маҳалла раислари ҳамда минибанк раҳбари ҳамкорлигида семинарлар ўтказилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ижобий самара берди, банк билан маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланди.

Банк фаолиятининг янада бир муҳим йўналиши пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўлиб, ушбу йўналишда ҳам "Микрокредитбанк" Фарғона филиали томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Банк томонидан савдо корхоналарига 47 та терминаллар ўрнатилди. Банкнинг аҳоли кўлидаги пластик карточкалари 3670 дандан ошиб кетди. Зеро, барча ишлар "Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун" тамойилига ҳамоҳанг равишда амалга оширилмоқда.

Абдураззоқ КАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири, Фарғона вилояти



— Жорий йилнинг ўн ойи давомида бизнес ва молиявий режаларни ҳамда банк бюджетининг бажарилиши борасида бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди филиал бошлиғи М.Маткаримов. — Даромад режаси 2007 йил 1 октябрь ҳолатига 594,8 миллион сўм қилиб белгиланган эди. Амалда эса бу 708,1 миллион сўмга бажарилди. Республикада олиб борилган пул муомаласи механизмининг янада такомиллаштиришга қаратилган сиёсатдан келиб чиқиб, мазкур банкда ҳам нақд пул тушумининг мунтазам ўсиб бориши учун бир қатор зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натихада, 2007 йил 1 ноябрь ҳолатига ўтган йилга нисбатан 210,6 фоиз, яъни 8,4 миллиард сўм нақд пул банк ҳа-

Ўзбекистон – Германия

“Савдогар” SAVDOGAR BANK

акциядорлик-тижорат банки

жамоаси барча ватандошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан самимий қутлаб, юртимиз аҳолиси даромадларини улар манфаатларига мос равишда ошириш мақсадида ўзининг қўйидаги омонат турларини таклиф этади:

- “Оқ олтин” муддатли омонати – йиллик 25%; 30 кун муддатга, минимал миқдор – 50 000 сўм.
- “Олтин куз” муддатли омонати – йиллик 25%; 90 кун муддатга, минимал миқдор – 200 000 сўм.
- “Антиқа” муддатли омонати – йиллик 25%; 180 кун муддатга, минимал миқдор – 500 000 сўм.
- “Фаровон ҳаёт” пластик карточка омонати – йиллик 16%; минимал миқдор – 10 000 сўм.
- Чет эл валютасида, АҚШ доллари ёки еврода, 1 йил муддатли омонат йиллик 3%, муддатсиз омонат йиллик 2%, минимал миқдор – 100 АҚШ доллари ёки евро.

“Олтин куз” ва “Антиқа” омонатларининг хоҳишига қараб фоиз даромади 1 ойлик ҳисобида олдиндан тўланиши мумкин.

Мамлакатимиз осмони мусаффо, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!

Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй. Телефонлар: 281-30-29, 254-18-65. Web site: www.savdogarbank.uz E-mail: info@savdogarbank.uz

Бунёдкорлик

“Афрўз мармари” маҳсулотлари

иншоотларни пардозлашда қўл келмоқда

Бухоро шаҳридаги “Афрўз мармари” ёпиқ турдаги акционерлик жамияти мармар хом ашёси чиқинди кукунларидан тайёр қурилиш жиҳазлари ишлаб чиқаришга иختисослашган. Бу маҳсулотларга нафақат вилоятда, балки қўшни воҳаларда ҳам талаб катта.

Италия технологияси билан жиҳозланган цехимизда ҳар ойда уч минг квадрат метрдан ортиқ оқ-сарик, қизил ва бошқа рангдаги мармар плитадан ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона раҳбари Шерзод Болтаев.

“Афрўз мармари” Республика “Маҳаллийлаштириш дастури”га кирган корхоналардан бири ҳисобланади. Маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги корхоналарни рағбатлантириш кўзда тутилган ушбу дастурга мувофиқ мазкур субъект солиқ тўлови имтиёзларидан кенг фойдаланмоқда.

Жорий йилнинг ўзида ана шу ҳисобдан корхона 20 миллион сўмдан ортиқроқ қўшимча даромадга эга бўлди. Жамиятда келгусида иш кўлами ва маҳсулот салмоғини янада ошириш кўзда тутилмоқда.

Ҳамроз АЛИ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири, Бухоро вилояти

Президентимизнинг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони замин дардларига малҳам бўлди, десак айни ҳақиқатдир. Чунки Фармонда алоҳида таъкидланганидек, суғориладиган ерларнинг бугунги мелиоратив ҳолати ҳосилдорликни ошириш ва даромадларни кўпайтиришга тўғаноқ бўлмоқда. Мелиорация соҳасига эътиборнинг айрим ҳолатлардаги сустиги натижасида сизот сувлар кўтарилиб, уларнинг минераллашуви ошиб кетди. Оқибатда, республика бўйича фермерлар тасарруфидagi суғориладиган майдонларнинг 16 фоиздан ортиги қоникарсиз ҳолатга келиб қолди.

Ер дардига малҳам

Наманган вилоятида ирригация-мелиорация ишларига жадал киришиб, амалий натижаларга эришилмоқда

Ҳозир фойдаланилаётган майдон 282,5 минг гектардан ортиқ ва шунинг қарийб 26 минг гектар у ёки бу даражада шўрланган.

Келинг, шу ўринда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг аҳамияти нақдлар катта эканлигини битта туман мисолида кўрайлик. Уч йил бурун Норинда барча заҳоб сув йўллари тўлиқ тозаланган. Шундан буён, ушбу туман вилоятда пахта ва галла етиштиришда пешқадам.

Ёки чуқликлар эришаётган муваффақиятларнинг илдизи ҳам айни мелиорация ишларининг яхши йўлга қўйилганидир. Вилоят гидрогеология мелиоратив экспедицияси раҳбари Шурхатжон Қозоқовнинг таъкидлашича, ушбу Фармон тўғрисида юз фоиз қамровли иш бажариш, барча мелиорация тармоқларини 2,5, ҳатто 2 йилда бемалол тозалаб олиш мумкин. Сир эмаски, бу соҳадаги муваффақият, иш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги, албатта, маблағ ҳамда техникага боғлиқ. Бу масалада ҳам ташвиш-у овозарғиликка ўрин қолмапти. Негаки, 2006 йилда мелиорация ишлари учун 500 миллион сўм, жорий санада эса 700 миллион сўм ажратилган бўлса, 2008 йилда бу миқдор 3 миллиард сўмга чиқади. Шунинг 2,5 миллиард бевосита закан-зовурларни тозалашга сарфланади. Кейинги пайтларда умуман ишламай ётган тик зовурларни ишга солиш ҳаракати бошланди.

— Фармон зиммамизга юклаган масъулият бизни факат қувонтиради, — дейди Шурхатжон. — Келгусида биз буортмачи бўлиб қоламиз, ташкил этилаётган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг маблағлари тўғрисида тўғри пудратчининг банкдаги ҳисобига тушади. Бу жуда яхши, чунки пул мақсади сарфланади, талон-тороғга йўл қўйилмайди. Янги имкониятлар боис вилоятдаги мавжуд закан-зовур тармоғи тез ва сифатли тозаланади, ер ости сувлари сатҳи пасаяди.

Бу Наманган шаҳрида нечоғли муҳим эканлигини шундан ҳам аниқлаш мумкин, жорий масвудда қарийб 24500 гектар майдонда шўр юеиш лозим ва бунинг учун эса ўртача 70 миллион кубометр сув керак бўлади.

Фан ва илгор тажрибаларининг ҳулосасига кўра, Намангандагина эмас, умуман ҳамма шароитда

ҳам сув йўлларидаги филтрация, яъни сувнинг ерга шимиллаши заҳоб миқдори ва минераллашувини оширувчи, сатҳини кўтарувчи омилардан биридир. Буни минбулоқлар Оқунбобоев канали мисолида кўн бор кузатишган. Ушбу каналдан кичик ариқларга сув олиш учун бир неча жойда (ўнга яқин) димланади, натижада тупроқда сувнинг босими ортиб, канал яқинидаги закан-зовурларда заҳоб кучаяди. Оқунбобоев номили каналда сув тўхтаसा, закан-зовурларнинг сув ҳўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, мелиорация техникаси саройи янгиланади, шу асосда фермерларга давлат мадади кўрсатилади. Барча ишлар 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури асосида амалга оширилади.

Ҳозир вилоятга Хитойдан 23 та замонавий экскаватор келтириши кутулинмоқда. Президент Фармонига кўра, сотиб олинadиган мелиорация техникаси энди боҳжона тўғривларидан (боҳжона расмийлаштирувчи йўлларидан ташқари) озод этилган. Демак, Хитой экскаваторларини келтириш ҳаражати ҳам енгил бўлади.

Шубҳасиз, Давлат дастури асосида амалга оширилажак мелиорация тадбирлари ерларнинг балл-бонитетини кўтарди, ҳосилдорлик ортадию, оқибатда аграр соҳада интенсив технология барқарор бўлиб, мўл-кўл пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Бу — даромад юқорилиги, тўқинчилик, ободончилик деган сўз, албатта.

Рустамжон УММАТОВ

Наманган вилояти

Ислохот

Жаҳон андозалари асосида

“Жейнов” пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 70-сонли “Пахта тозалаш сановати корхоналарини 2007-2011 йилларда модернизация ва реконструкция қилиш дастури”га асосан бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Йилга 56 минг 820 тонна пахтани қайта ишлайдиган корхонани реконструкция қилишга киришилди. Тозалаш, қуришти, тола ажратиш, таъмирлаш, энергетика цехлари “Узпахтасаноат” уюшмаси тасарруфидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан келтирилган энг сунгги замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Жумладан, тола ажратиш, ҳаво сўргичлар келтирилади. Пресслаш цехига Украинада ишлаб чиқарилган “Д-8237” ускунаси ўрнатилди. Бу тумандаги пахта хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаш билан бирга сифат ва самарадорликка ижобий таъсир этиб, рентабелликни оширишга, иш шартининг тубдан яхшилашга имкон беради. Натихада, корхона қуввати кескин ошиб, йилга 80 минг тонна пахта-ни қайта ишлашга имконият яратилади. Бу эса иш ўринларининг ошишига ҳам кенг йўл очиб беради. Ҳозир бу ерда 650 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг структурядан сўнг тулкининг сони яна 200 кишига ортади.

Реконструкция ишлари корхонамада жаҳон андозалари талаби даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга кенг имконият яратиб беради. Йилга 28 минг тонна тола, 2400 тонна момик ишлаб чиқаришга эришамиз, — дейди ОХЖ раиси Шерзод Ражабов биз билан суҳбатда. — Ҳозир 2 та тола ажратиш машиналари ишлаб турган бўлса, кўп ўтмай уларнинг сони 4 тага етади. Кенг кўламли ишлар зиммамизга гоят муҳим, шу билан бирга масъулиятли вазифаларни юклаганмоқда. Муҳандис-техник ходимлар Тошкент тўқимачилик ва енгил сановат институти, “Узпахтасаноат” уюшмаси қошидаги курсда ўз малакаларини ошироқдалар.

Жейновлик пахта тозаловчилар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка амалий иш билан жавоб бермоқда-лар. 2007 йил пахта хом ашёсидан тайёрланган 3,5 минг тонна тола ва 300 тоннага яқин момик хорижга жўнатилди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, экспорт соҳасида Россия ва Хитой энг янги ҳамкор бўлмоқда.

Ҳусан ТЕМРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири, Қашқадарё вилояти

"Ўздонмахсудот"

акциядорлик компанияси жамoadeci



8 декабрь –
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни
муносабати билан
мамлакатимиз аҳлини
самимий
муборакбод этади!

Халқимизга бахт-саодат, омад,
тинчлик ва омонлик тилайди!

"Ерговодезкадастр"

Давлат кўмитаси, унинг
Қорақалпоғистон Республикаси ва
вилоятлар бошқармалари,
туманлар бўлимлари

мамлакатимиз
фуқароларини мустақил
республикамиз Бош
қомуси —

Конституциямизнинг
15 йиллиги муносабати
билан самимий қутлаб,
барча юртдошларимизга
соғлиқ-саломатлик,
оилавий бахт,
азиз Ватанимиз равнақи
йўлидаги
ишларида куч-қувват
тилайди!

АЗИЗ ХАМЮРТЛАР!

Акциядорлик тижорат
"Пахта Банк"



Сизларни мамлакатимиз
Конституцияси
қабул қилинган кун
муносабати
билан чин дилдан
табриклайди!


Сизларга даромадли
ва юқори ликвидли

банк-акцияларини харид
қилишни таклиф этади!

Бизнинг акцияларимиз
ёрамада кафолатли

ва барқарор келажакнинг
қонуний эгаси

бўлишангиз мумкин!



"Пахта Банк" – фаровонлигингиз калитидир!

Пойтахтимизда коллеж ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида анъанага айланган "Конституция — бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ўн тўрт жамоа қатнашди.

"Конституция — бахтимиз пойдевори"

Жамовлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган даврий газеталари, иншо ва фотоальбомлари билан иштирок этди. Кўсон педагогика коллежи жамоаси бош совринини кўлга киритган бўлса, 2-Тошкент юридик коллежи, Андижон тиббиёт институти қошидаги академик лицей ва Самарқанд вилоятидаги Иштихон тиббиёт коллежи жамоалари биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Кўрик-танлов сўнггида голибарга махсус дипломлар ва эсдалар соғалари топширилди.

Шухрат ЖҲРАЕВ

"Сабр қил, эй мусофир"

Самарқандда бир мусофир тижоратчи бўларди. У анча йил бурун Сайхун бўйидаги Ясси шаҳридан келган, савдоси юришгач, Самарқандда муқим яшб қолган эди. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, мусофир бу эсим шаҳарга сингиб кетолмади. Маҳаллий қорчалонлар, хусусан тижорат ахли унга 8т кўз билан боқар, икки гапнинг бирда уни "сахройи" дея камситарди. Бундай маломатлардан мусофирнинг хўрлиги келарди. У охири-оқибат ўз юртига қайтмоқчи бўлди.

Уша давр удумига кўра, номдор тужжорлар фақат ҳуқдорнинг ижозати билангина кўчиши мумкин эди. Ана шу таомилга риоя қилиб, савдогар бир кун султон Улугбекнинг олдига борди. Узини таништирди, сўнг арзи ҳол айтди:

— Шохим, сиз муқтарам зоти шарифнинг сояи давлатларида салкам йигирма йил умргузаронлик қилдик. Биримиз икки бўлди, мингимиз туман бўлди. То умримиз заволгана Самарқанди зебода кенган қуларимизга шукрона айтиб ўтгаймиз. Энди бу охири кулингизга ижозат берсангиз.

Улугбек ўткир ақли билан бу тужжорнинг нимадандир қаттиқ норозилигини, аммо айтолмай турганини сезд.

— Сабр айланг, эй мусофир, — деди Улугбек, — ўзларига бир ҳафтадан сўнги руҳсати олий бергаймиз.

Эртасига Улугбек бомдод намозини адо этди-ю, қабагига уламоқ умаронини олиб, йўлга тушди. У асслик савдогарнинг дўконини кўзлаб борарди. Улугбек ўз одатига кўра, обдон бозор айланди,

расталарни бирма-бир томоша қилди. Нарх-навоини суриштирди. Олдида йўрғалаб юрган шаҳар даргасию муҳтасибга йўриқномалар берди. Ва савҳатинг охирида ўша мусофирнинг дўконига борди. Тужжор билан эски танишлардек сўраш-ди.

ХИКОЯТ

ди, савдо-сотигини суриштирди, неки мушкулот туғилса, мана доруға сизга ёрдам бергай, дея ҳокимга ишора қилди. Сўнг отига миниб, даров жўнади.

Бозорчилар ҳозиргина кимсан — султон Улугбекнинг қўлини олган мусофир тужжорни ўраб олиб, уни муборакоти эга бошладилар.

Орадан ҳафта ўтди. ўн кун, йигирма кун. Лекин юртига кетмоқчи бўлиб руҳсат сўраган савдогардан дарак йўқ эди. Ниҳоят, Улугбекнинг амри билан уни саройига олиб келдилар.

— Биз сизга ижозат бермакка азм қилдик, — деди Улугбек. — Истаган кун



туғилган маконингизга кетишингиз мумкин.

Тужжор икки букилиб, таъзим қилди: — Давлатпаноҳ, агар руҳсати олий бўлса, омонатимизни ўзларининг салтанатлари остидаги мана шу жаннатмакон Самарқандда топширсак...

Саъдулла СИЁЕВ

SPORT O'LAMIDA

"Вобкент" ва "Металлург" Олий лига билан хайрлашди


2007 йилнинг 1 март кунини йўлга чиққан футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони Олий лига "карвони", ниҳоят ўз манзилига етиб қолди. Чемпионатнинг сўнгги турлари Олий лигада жон сақлаб қолиш учун курашадиган жамоаларнинг шитироки билан қизиқарли тус олди.

Бекободнинг "Металлург" клуби "Вобкент" жамоасига қўшилиб, келгуси йили биринчи лигада тўп сурадиган бўлди. 30-турда "Пактор"га қарши майдонга чиққан бекободлик футболчилар 0:2 ҳисобида ютказиб қўйишди. "Металлург"нинг асосий рақиблири — "Локомотив" ва "Шўртан" шу кунини ўзлари учун керакли натижани қайд этди, Олий лигадаги ўринларини сақлаб қолишди.

Сўнгги тур голларга жуда бой бўлди — 8 та учрашувда 31 та гол. Деярли 1 та ўйинга 4 тадан гол тўғри келди. "Курувчи" ҳужумчиси Илҳом Мўнинонов мавсум мобайнида рақиблар дарвозасини 21 бор ишғол қилиб, чемпионат тўпурарига айланди. 30-турда қайд этилган натижалар қуйидагича: "Насаф" — "Нефчи" 1:0, "Тупаланг" — "Локомотив" 1:1, "Бухоро" — "Трактор" 5:3, "Навбахор" — "Машъал" 0:1, "Самарқанд-Динамо" — "Кизилқум" 6:1, "Шўртан" — "Андижон" 2:1, "Курувчи" — "Вобкент" 6:1.

Совриндорлар аниқланди

Пойтахтнинг "Ўзбекистон" спорт мажмуасида сузиш бўйича Республика Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.



Унда Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг жами 300 дан ортиқ спортчилари беллашишди. Эраклар ўртасидаги баҳсда Навоий вилоятидан келган Данил Тулупов


50 ва 100 метр масофада эркин сузиш бўйича биринчи ўринини эгаллаган бўлса, андижонлик Сабит Амилов 400 метрлик маррани комплекс усулида биринчи бўлиб забт этди.

Аёллар мусобақасида тошкентлик Мафтунабону Тўхтасинова тўрт марта таба энг юқори поғонага лойиқ топилди (200 м — эркин сузиш, 100 м — баттерфляй, 200 ва 400 м — комплекс усул). Шунингдек, Юлдуз Жабборова ва Юлдуз Кўчорова турнирнинг олтин медалларига эгалик қилишди.

Ойгул СУЮНДИКОВА

Профессионал боксинг суперогир вазири WBA йўналиши чемпиони Руслан Чагаев 2008 йилнинг 19 январиди рингга қайтади. Шу кунини ҳамюртимиз чемпионилик камарини биринчи марта АКШ вакили Мэтт Скелтондан ҳимоя қилади.

Чагаев Скелтонга қарши




Жанг Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Эслаб ўтамиз, Руслан Чагаев 2007 йилнинг апрелида Валуведан WBA камарини "тортиб" олганди. Шундан сўнг WBO чемпиони Султон Ибрагимовга қарши камарларни бирлаштириш учун жагда учрашиши лозим бўлган бир пайтда ҳамюртимиз шамоллаб қолганди.

Скелтон билан мушталаш осон кечмайди, чунки унинг зарбалари жуда ҳам кучли, — дея фикрини айтиб ўтган Чагаев. — Жанг ўтказиладиган шаҳарда мен ўтган йили Жон Русини мағлуб этганман. Галабали серияни давом эттиришга ҳаракат қиламан.

Мэтт Скелтон профессионал рингга 22 та жанг ўтказиб, 21 та галабага эришган. Бир учрашувда эса мағлубият аламини тотиб қўрган.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Муштарий илҳомини Хурликдан шод бугун кекса-ю ёш



Суяр УБАЙДУЛЛАЕВ — асли қишлоқ хўжалиги ҳодими. У бир неча йил шу соҳада самарали фаолият кўрсатиб, айни кунларда нафақада. Бўш вақтларида бадиий адабиётни мутолава қилиш, ўзи ҳам шеърлар ёзиш билан шуғулланиб келади.

Ифтихор
Дейман: "Чарх муқаддас орзу изин ўпи! Келажак — олдинда, умидларини кўп. Савҳат ҳикматини англаб етиб хўп, Сайёр қарвонларини юрибди тўп-тўп. Хозир ҳам дард-ғамини егучилар бор, "Қорини тўқ эди-ку!" дағучилар бор, Қафасдаги шерининг қорни тўқ, аммо, Унинг иззат-нафсини егучилар бор. Парвозини истардик, зотимиз бургут, Қанотимиз бироқ қирқилган эди. Болу асал асли озимизгамас, Қулқоқ, кўзимизга суртилган эди. Гўнг эдик, тилимиз бийрон бўлса-да "Эрк", "хурлик" сўзларини сўзлай олмасдик. Бек эдик — ўзида ихтиёри йўқ, Қўлимизда қурол — қўзлай олмасдик. Миллат елкасида ортилганди тош, Асрлар инграндик кўтаролмай бош. Ортиқ қўдан халос бўлдик оқибат, Хурликдан шод бугун кекса-ю ёш.

Сарҳисоб
Ватанимни қалбим эъзоз этмас, Шаънини олиб, қўқча парвоз этмас, Юрт деб жангда ўзин сарбоз этмас, Бу дунёга нима учун келганман. Элга ўздин Аваз, Широк бермасам, Зулматли дам қўлга чирик бермасам, Ўз-ўзимга гоҳо сўроқ бермасам, Бу дунёга нима учун келганман. Юрт ашнасин, дея терлар тўқмасам, Сўнг ҳаюват уммонига чўқмасам, Баъзан ўйчан элим дардин ўқмасам, Бу дунёга нима учун келганман.

Суяр УБАЙДУЛЛАЕВ

Бу элга шеър ишқи, куйлар ярашар

Уларни фақатгина ёшлик боғларида учратамиз. Тинчлик билан, самимий оҳангда куйламоқчи бўлади бу овозлар. Булар муштарий юртимизнинг муштарий фикрловчи иқтидорли ёшлари.

Улар орасида шеърятга меҳр қўйганлари талайгина. Қатор йиллардан буён "Келажак овози" республика танлови шундай ёшларнинг овозини юрт бўйлаб таратмоқда. Ушбу "Келажак овозлари" номли шеърый тўпламда Ўзбекистон ёшларининг жўшқин овозлари таралмоқда. Фафур Фулом номидаги нарийб-матбаа ижодий ўйи томонидан шу йил чоп этилган шеърый тўпламга шоир Муҳаммад Исмомил масъул. Икки минг нусхада, икки ярим табоқда ўқувчилар қўлига етган мўжазгина шеърый тўплам ўз ичига ўндан ортиқ шеърларнинг ижод намуналарини қамраб олган. Бу шеърларда юрт мадҳи, табиат гўзаллиги, қалб тўғенлари ва орзу-умидлар жойланган. Бу ёш ижодкорлар шеъринг қўчоғига юрти борар эканлар, улар ўзига хослик билан барқ уриб боришига ишонамиз.

Ойгул СУЮНДИКОВА

Очофот каламуш келтирар офат унга қарши курашишнинг оддий усуллари

Каламуш касаллик ташувчи, оғирда сақланадиган озиқ-овқатларга ҳужум қилувчи энг паразит ҳайвон. Каламуш ва сичқонлардан сақланишнинг энг оддий усуллари уларни қўриқтириш (ҳайдаш), захарлаш ёки тутиш ҳисобланади. Бироқ шунинг эсинизда тутиш, кемирувчилар, айниқса, каламушлар ўта эҳтиёткор ва айёрдир. Улар осонликча тутиқ бермайди. Мева ва сабзавотлар сақланадиган жойга, биринчи навбатда, кемирувчилар киришининг олдини олиш чоратадбирларини қўриш лозим. Бунинг учун кемирувчиларнинг инлари тош билан бекитилиб устидан ойна қўйилган цемент ёрдамида бетонланади, сабзавот сақланадиган ҳонада тешиклар бўлса уларнинг инлар бекилади.

ди. Сабзавотлар сақланадиган жой вақти-вақти билан формальдегид ёки оҳак ёрдамида дезинфекция қилиниб турилиши керак. Кемирувчиларни қўриқтириш (ҳайдаш) учун формалиндан фойдаланилади. Чунки унинг хидини каламуш ва сичқонлар "қўтар" олмайдилар. Шунингдек, улар қўйрилган резина хидини ҳам ёқтиришмайди. Бир неча резина бўлақларини челахта қўйдириш ва унинг тутунини тарқатиш йўли билан каламуш ва сичқонларни маълум муддат ҳайдаш мумкин бўлади. Ушбу тадбирлар мева ва сабзавотларни оғир-оғирга жойлашдан олдин бажарилади. Кемирувчиларни ҳайдашнинг усуллари яна бири улар келадиган жой ёки инлари яқинига қўрилган ялпиз ташлашдир. Ялпиз хидидан ҳам кемирувчилар "қўрақдилар".

Мансура ШАМСИЕВА тайёрлади.

Олдини олган доғда қолмайди

...Миробод тумани Чехов кўчаси 40-уйда жойлашган "Седе-Рома" ресторани баъзи ходимларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида кўнглисизлик юз берди. Назоратсиз қолдирилган пилта ўчиб қолиб, газ хонага сизиб чиққан ва даво билан аралашини натижасида чакваш юз берган. Ана шу ҳодиса сабабли уч нафар фуқаро турли даражада куйини тан жароҳатини олинди.

Яқинда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бўйича ўтказилган йиғинлардан бирида газ билан боғлиқ шундай воқеалар республиканинг бошқа баъзи ҳудудларида ҳам юз берганидан хабардор бўлдик. Чунки, Самарқанд шаҳри Сулаймонова кўчаси, 6-уйда, худди шу шаҳарнинг Фирдавсий 2-тўр кўчаси, 7-уйда табиий газдан ноўғури фойдаланишнинг оқибатида ёнғин чиқиб, кўп мқдорда моддий зарар қўрилиши билан бир қаторда фуқаролар тан жароҳати олиб, азият чекишди. Бу ҳодисалар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, хавфсизлик қондаларига ҳамма жойда тўлиқ риоя қилинса, ҳар бир иш ҳушёрлик билан бажариб, ва ёнғин чиқишига сабабчи бўладиган нуқсонлар ўз вақтида бартараф этилса, ана шу кўнглисизликларнинг олди олинган бўлар эди, деган ҳулосага келамиз.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳақида фикр юритганда мактаблар, болалар боғчаларида худди шу йўналишдаги ишларни қўчайтириш, болалар ўртасида тушунтириш ишларини кенг қўламада олиб бориш зарурлигини таъкидлаш керак. Эеро, улар ёшлигиданоқ барча тартиб-риодларга ниҳунда ўлаштириб борсалар, уларга эришишга ўрганидилар.

Раҳимжон БАРАТОВ, Жалол АСҚАРОВ, Миробод тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспекторлари.

Давлат патентларига эга **"AVTOTRAK"** корхонаси

ЗИЛ... ГАЗ-52,53... ПАЗ... КАВЗ автомобилларига ва тегишли ҳужжатлар беради

Автомобилларга ўрнатилган ҳолатда таъмирланган Д-243 (МТЗ) Д-144 (Т-28) ДИЗЕЛЛАР ВА А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Аврис" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР, "НИКАРС", "МОРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ, КС-2561 русумли кран(Зил-130 га ўрнатилиши мумкин) СОТАДИ.

Вилоятлардан электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарлар, худудларда иш ташкил этувчи вакилларни ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекети. Телефонлар: 159-48-00. Кечкурун 112-90-43

Автотранспорт — кредит ва лизингга!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фурунлар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларини сотади.

Ҳақ тўлаш истаган усулда!

Маҳсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрсаба кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Уктам БАРНОЕВ, Агитай АДИЛОВ, Уткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибона - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Ғурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар: -тижорат мақола

МАЌИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй